

**“General Motors O‘zbekiston” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган
автомобилларни ички бозорда сотилиши тартиби тўғрисидаги
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ
(янги таҳрири)**

Мундарижа

I-боб. Умумий қоидалар.

II-боб. Автомобилни харид қилиш учун бевосита келиб буюртманома бериш тартиби.

III-боб. Автомобилни харид қилиш учун Портал орқали электрон буюртма бериш.

IV-боб. Шартнома тузиш.

V-боб. Мижоз танлови бўйича стандарт опциялар пакетидан фарқли модификация қилинган опциялар тўпламига эга автомобилларни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузиш.

VI-боб. Автомобиль учун тўлов тизими.

VII-боб. Автомобилни етказиб бериш муддатлари.

VIII-боб. Бошқа қоидалар.

I-боб. Умумий қоидалар

Мазкур Вақтинчалик Низом (қуйида матн бўйича – “Низом”) “General Motors O‘zbekiston” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган янги енгил автомобиллар савдо-сотиқлари тизимини такомиллаштириш, унинг ошкоралигини таъминлаш, автомобилларни харид қилиш учун буюртмаларни электрон расмийлаштириш тизимини татбиқ этиш, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ва истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг улгуржи-чакана савдо меъёрлари ва асосий тамойилларини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Низом автомобилларни етказиб бериш ва реализация қилиш соҳасида яқуний истеъмолчи, ишлаб чиқарувчи ва ваколатли дилерлик корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

Тавсифлар:

Автомобиль – “General Motors O‘zbekiston” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган ички бозорда сотиладиган янги енгил автомобиль.

Ишлаб чиқарувчи – “General Motors O‘zbekiston” АЖ.

Дилер – Ишлаб чиқарувчи билан автомобилларни реализация қилишга ва сотувдан кейинги хизмат кўрсатишга дилерлик келишувини тузган юридик шахс.

Мижоз – автомобиль харид қилишни мақсад қилган жисмоний ёки юридик шахс.

Шартнома – Мижозга буюртма бўйича автомобиль етказиб бериш тўғрисида шартнома.

Тўлов учун ҳисобварақ – Мижоз томонидан Дилернинг хизмат кўрсатувчи банкка тўлов ўтказилиши имкониятини тасдиқловчи ҳужжат.

Портал – Ишлаб чиқарувчининг Ягона сотув портали.

Чакана нарх – Мижозга автомобилни реализация қилишнинг қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган нархи.

Саноат йиғуви – қолиплаш, пайвандлаш, бўяш ва йиғиш бўйича ишлаб чиқариш жараёнларини ўз ичига олувчи тўлиқ цикл бўйича автомобилларни серияли ишлаб чиқариш режими.

Йирик узелли йиғиш – автомобилларни фақат якуний йиғиш бўйича жараёнларни ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш режими.

II-боб. Автомобилларни харид қилиш учун бевосита келиб буюртманомани бериш тартиби

1. Шартнома тузиш учун Мижоз Дилерга бевосита келиш ёки Портал орқали электрон буюртманомани бериш тартибда муружаат қилиши мумкин.

2. Мижоз – **жисмоний шахс** бевосита келиш тартибда Дилерга қуйидагиларни тақдим қилади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти ва солиқ тўловчини идентификациялаш рақами (СТИР) нусхаси – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун;

- чет эл фуқароси паспорти – чет эл фуқаролари учун;

- фуқаролиги бўлмаган шахслар учун гувоҳнома – Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар учун;

- якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси – якка тартибдаги тадбиркорлар учун.

3. Мижоз – **юримдик шахс** бевосита келиш тартибда Дилерга қуйидагиларни тақдим қилади:

- автомобилни харид қилиш мақсади тўғрисида муружаатнома;

- юримдик шахс раҳбари паспортининг нусхаси;

- юримдик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Дилер Мижоз томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар асосида автомобилни харид қилиш учун буюртманомани Порталда рўйхатдан ўтказиши шарт.

5. Дилер буюртманомани рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, Портал томонидан унга киритилган рўйхатдан ўтказиш маълумотлари асосида тузилган буюртманоманинг ягона идентификация рақами ва Мижозни автоматик режимда амалга ошириладиган Шартнома тузиш учун навбатга қўйиш рақами қайд этилган ҳолда буюртманомани босмадан чиқаради.

III-боб. Автомобилларни харид қилиш учун Портал орқали электрон буюртманома бериш

6. Автомобилни харид қилиш учун электрон буюртманома бериш Портал билан бирлаштирилган ихтисослашган сервис орқали амалга оширилади¹.

7. Ҳар бир Дилерга Мижозларни “онлайн” режимда рўйхатдан ўтказиш учун Порталдан фойдаланиш имконияти тақдим қилинади.

8. Мижоз электрон буюртманома бериш учун умумий маълумотномадан талаб қилинадиган маълумотларни киритиш ва Портал томонидан таклиф қилинадиган маълумотлар (тааллуқли ячейкалардаги маълумотлар)ни танлаш орқали Порталда авторлаштирилиши керак:

- паспорт серияси ва рақами, СТИР – жисмоний шахслар учун;
- электрон рақамли имзо – юридик шахслар учун.

9. Портал Мижознинг ягона идентификациялаш рақамини ва Шартнома тузиш учун навбатга қўйиш рақамини автоматик режимда рўйхатдан ўтказилади.

10. Портал томонидан рўйхатдан ўтказилмаган буюртманомалар ҳақиқий ҳисобланмайди.

IV-боб. Шартнома тузиш

11. Портал томонидан автоматик режимда амалга ошириладиган кетма-кетликка мувофиқ, Дилер Мижозни Шартнома тузиш имконияти тўғрисида хабардор қилади.

12. Шартнома намунаси ягона идентификациялаш рақами ва штрих-код берилган ҳолда автоматик режимда тузилади ҳамда Дилер томонидан Портал орқали босмадан чиқарилади (шартномани тузиш Дилердан Ишлаб чиқарувчига ўтказилади). Бир вақтнинг ўзида мазкур Низомнинг VI-бобида қайд этилган тўлов турларига мувофиқ тўловларни амалга ошириш мақсадида Дилернинг хизмат кўрсатувчи банкига тақдим қилиш учун Тўлов ҳисобварағи тузилади².

13. Шартнома фақат Порталда рўйхатдан ўтказилган буюртманома асосида бундай буюртманома берган шахс иштирокида расмийлаштирилади.

14. Қўйидаги ҳолатларда буюртманома бекор қилинган ҳисобланади:

- Мижознинг Дилерга ёзма ариза бериш ёки Порталдаги махсус опциядан фойдаланиш орқали шартнома тузишни рад қилиши; ёхуд

- Мижознинг Дилер томонидан бир вақтнинг ўзида қўйидаги усуллардан энг камида иккитаси орқали: телефон алоқаси, электрон почта ёки СМС-хабарнома воситасида хабардор қилинган санадан бошлаб 3 (уч) иш куни мобайнида бевосита келмаганлиги.

15. Мижознинг ёзма равишда рад қилиши ёхуд унинг бевосита келмаганлиги туфайли буюртманоманинг бекор қилиниши фақат Ишлаб чиқарувчи томонидан амалга оширилади.

16. Дилерга мустақил равишда Шартномалар тузиш ва Порталдан ташқари Шартномалар ҳисобини юритиш тақиқланади. Портал томонидан рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар ҳақиқий ҳисобланмайди.

17. Мижоз Портал орқали ўз идентификация коди (шартнома рақами) орқали ўз навбати (автомобиль олиш муддати) ўзгаришини “онлайн” режимда мустақил равишда текшириб туриши мумкин³.

18. Дилер ихтиёрида электрон буюртманомалар берилмаган автомобиллар мавжуд бўлган ҳолатларда, Дилер тузиладиган Шартномаларни Порталга киритиш шарти билан электрон буюртманома расмийлаштирилмасдан Шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

V-боб. Мижоз танлови бўйича стандарт опциялар пакетидан фарқли турланган (модификация қилинган) опциялар тўпламига эга автомобилларни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузиш

19. Мижоз стандарт турланган (модификация қилинган) опциялардан фарқли опциялар тўпламига эга автомобилни буюртма қилиш ҳуқуқига эга⁴.

20. Автомобиль опция тўпламини ўзгартириш автомобилни опцион тўлдириш исталган пакетини ихтиёрий танлаш тартибида жоиз автомобиллар учун тасдиқланган мавжуд опциялар асосида амалга оширилади.

21. Зарур ҳолларда, Дилер Мижозга исталган опциялар тўпламини танлаш ва уларни автомобилга ўрнатишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича консултатив ёрдам кўрсатади.

22. Дилер томонидан Мижоз буюртманомаларини рўйхатдан ўтказишда ёки Мижоз билан жоиз турланган (модификация қилинган) опциялар тўпламига эга автомобилни етказиб бериш тўғрисида Шартномалар тузишда рад қилинишига йўл қўйилмайди.

23. Опциялар тўплами турланиши (модификация қилиниши) фақат саноат йиғиш усули билан ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун татбиқ қилинади.

24. Мижоз танлови бўйича стандарт опциялар пакетидан фарқли жоиз опцияларнинг турланган (модификация қилинган) тўпламига эга автомобилларни етказиб беришнинг энг сўнгги муддати Ишлаб чиқарувчининг банк ҳисобварағига белгиланган миқдорда олдиндан тўлов ёки автомобилнинг тўлиқ қиймати келиб тушган санадан бошлаб 120 (бир юз йигирма) кунни ташкил этади.

VI-боб. Автомобиль учун тўлов тизими

25. Автомобилларнинг **жисмоний шахсларга** сотилиши (реализация қилиниши) қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- Дилерга хизмат кўрсатувчи тижорат банк кассаларига нақд пул маблағларини топшириш орқали;

- жисмоний шахсларнинг омонат (депозит) ҳисобварақларидан ёки тижорат банклари томонидан автомобилни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳисобига ссуда ҳисобварақларидан пул маблағларини ўтказиш орқали;

- фақат харидор номига расмийлаштирилган жисмоний шахснинг пластик карточкаси орқали.

26. Автомобилларнинг **юримдик шахсларга** сотилиши (реализация қилиниши) қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда уларнинг банкларда йўқлаб олинандиган депозит ҳисобварақларидан пул маблағларини ўтказиш орқали;

- тижорат банклари томонидан автомобилларни харид қилиш учун бериладиган кредитлар ҳисобига юримдик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ссуда ҳисобварақларидан ўтказмалар орқали.

VII-боб. Автомобилни етказиб бериш муддатлари

27. Автомобилни етказиб бериш муддати Ишлаб чиқарувчининг банк ҳисобварағига белгиланган миқдорда олдиндан тўлов ёки автомобилнинг тўлиқ қиймати келиб тушган санадан бошлаб қуйидагиларни ташкил этади:

- 1 (бир) иш куни – Дилерда (омборда) мавжуд автомобиль учун;
- 60 (олтмиш) иш куни – Саноат йиғиш усули билан йиғиладиган автомобиль учун;
- 90 (тўқсон) иш куни – Йирик узелли йиғиш усули билан ишлаб чиқариладиган автомобиль учун;
- 120 (бир юз йигирма) иш куни – Мижоз танлови бўйича стандарт опциялар пакетидан фарқли турланган (модификация қилинган) жоиз опциялар тўпламига эга Саноат йиғиш усули билан йиғиладиган автомобиль учун.

Шу билан бирга, Товари етказиб бериш муддати Дилер томонидан Ишлаб чиқарувчининг қарорига асосан ишлаб чиқаришда профилактик ишларини ўтказиш мақсадида 30 (ўттиз) кундан ошмаган ҳолда қўшимча узайтирилиши мумкин. Қўшимча узайтириш муддати ишлаб чиқарувчининг www.gmuzbekistan.uz расмий веб-сайти орқали эълон қилинади ва ўз навбатида Дилер томонидан ушбу маълумот шартнома тузган Мижозга шартномада кўрсатилган манзил бўйича хат орқали хабар берилади.

28. Автомобилларни етказиб бериш бўйича белгиланган муддатлар бузилганлиги, шунингдек мазкур Низом шартларининг бошқа бузилишлари учун дилерлик битимларида белгиланган шартномани бекор қилишга қадар чоралар қўлланилиши белгилансин.

VIII-боб. Бошқа қоидалар

29. Автомобилларни реализация қилиш фақат Дилерлар орқали амалга оширилади.

30. Мижоз томонидан автомобилни олиш учун мазкур Низом билан назарда тутилмаган қўшимча талаблар белгиланиши қатъий тақиқланади.

31. Давлат бошқарув органлари, бюджет ташкилотлари билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари бўйича татбиқ этиладиган дастурлар доирасида Шартномалар тузиш тегишли мурожаатлар келиб тушишига қараб амалга оширилади. Мазкур Шартномалар бўйича автомобилларни реализация қилиш тузиладиган Шартномалар шартларига ва тасдиқланган графикларга мувофиқ амалга оширилади.

32. Мижоз автомобилнинг исталган модели ва турига буюртманомани расмийлаштиради, бу келгуси давр мобайнида автомобилларнинг буюртмалар портфели (ишлаб чиқариш режаси)ни тузиш учун асос бўлади.

33. Мижоз жисмоний шахс – бир вақтнинг ўзида автомобилнинг битта моделига буюртманомани расмийлаштириши мумкин. Бунда бир шахснинг ўзи томонидан бир неча Дилерларга бир моделнинг ўзига такрорий буюртманомалар берилишига йўл қўйилмайди. Олдинги буюртманома рад қилинган тақдирда, бир шахснинг ўзи томонидан бошқа Дилерга худди шундай модель учун буюртманомалар расмийлаштирилишига йўл қўйилади.

Мижоз юридик шахс – корхона эхтиёжи учун бир вақтнинг ўзида бир неча миқдордаги автомобилни сотиб олиши учун фақатгина битта Дилерга буюртманома расмийлаштириши мумкин.

34. Буюртманомалар ва Шартномалар бериш кетма-кетлиги маълумотлар базаси автоматик режимда буюртманомалар киритилган санага мувофиқ (юқорилаб бориш тартибда) Мижозларнинг буюртманомалари бўйича шакллантирилади (ягона маълумотлар базаси шаклланиши).

35. Мижоз Портал орқали ўз идентификация коди (рақами) орқали ўз навбати ўзгаришини “онлайн” режимда мустақил равишда текшириб туриши мумкин⁵.

36. Дилерга мустақил равишда Порталдан ташқари автомобилни харид қилиш учун буюртманомаларни тузиш ва ҳисобини юритиш тақиқланади.

37. Тўлов, автомобилни етказиб бериш муддатлари ва бошқа қоидалар Шартномада қайд этилган шартлар ва муддатларга мувофиқ тартибга солинади.

38. Дилер автомобилни реализация қилишда Мижозга харид қилинган автомобиль учун фақат Шартнома тузган шахс номига маълумотнома-ҳисобварақ ёзиб беради ва Порталда жойлаштириш орқали Ишлаб чиқарувчига маълумотнома-ҳисобварақ рақамини тақдим қилади, қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган айрим ҳолатлар бундан мустасно.

39. Ишлаб чиқарувчининг расмий веб-сайтида мажбурий тартибда қуйидагилар жойлаштирилади:

- ҳар бир Дилерда мавжуд “онлайн” режимда янгиланадиган эркин реализация қилиш учун электрон буюртманомалар берилмаган автомобиллар тўғрисида ахборот;

- Мижоз мазкур Низом қоидалари бузилиши масалалари бўйича мурожаат қилиши мумкин бўлган ишонч телефон рақамлари.

40. Мазкур Низом ва унга киритиладиган ўзгартиришлар билан Ишлаб чиқарувчининг расмий веб-сайтида ва дилерлик корхоналарининг ахборот стендларида танишиб чиқиш мумкин.

Изоҳ:

1. 3-бобнинг 6-банди 2017 йил 01 октябрдан бошлаб кучга киради.
2. 4-бобнинг 12-банди 2017 йил 01 июлдан бошлаб кучга киради.
3. 4-бобнинг 17-банди 2017 йил 01 июлдан бошлаб кучга киради.
4. 5-бобнинг 19-банди 2018 йилнинг II чорагидан кучга киради.